O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 22 июнь, № 119 (3918) Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9—10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4—5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9—10, 149-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ягона солиқ тўлови тўловчилар ягона солиқ тўловини бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бироқ бир вақтнинг ўзида эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўлашга ҳақлидирлар»;

2) **71-модда биринчи қисмининг 24-бандидаги** «Телерадиокомпаниясининг» деган сўз «миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 21 июнь.
№ ЎРҚ — 35

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 19 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган 510—XII-сонли **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5—6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда) **2-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган» деган сўзлардан кейин «касаначилик билан шуғулланаётган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9—10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4—5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9—10, 149-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар) **92-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«белгиланган тартибда касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун мазкур юридик шахс томонидан текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарларнинг, фойдаланиш муддатига».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Белгиланган тартибда касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди».

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 21 июнь.
№ ЎРҚ — 36

## Яшараётган, яшнаётган МАРҒИЛОН

*Қадим ва навқирон, ипакчилар шаҳри Марғилон аҳли икки катта тантана — ўзининг 2000 йиллик юбилейи ҳамда мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, кўча ва йўллар, маданий-маиший иншоотлар, аҳоли турар-жойлари, таълим ва бошқа муассасалар бинолари қайтадан таъмирланиб, ўзгача чирой касб этмоқда.*



Неча юз йиллик тарихга эга муқаддас зиёратгоҳлар ҳам тантаналар сабаб, қайтадан сайқалланмоқда. Шу билан бирга, ўнлаб юбилей иншоотлари навбатма навбат фойдаланишга топширилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, юбилей иншоотлари қурилиши ва бошқа тадбирларда мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан келган турли соҳа кишилари иштирок этмоқда. Жумладан, Олтиариқдаги "КМК-1" акциядорлик жамияти қурувчилари 360 ўринли тиббиёт коллежи ҳамда унинг лаборатория ва поликлиникаси қурилишида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Муҳими, янги илм ва билим маскани ўзининг ташқи кўриниши ва ички меъморий безаклари билан шаҳар ҳуснига ҳусн қўшади.

**СУРАТЛАРДА: олтиариқлик қурувчи Шукуржон Охунжонов: тиббиёт коллежининг ташқи кўриниши.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## Асрагил

*Ёз бўйи далада тер тўкиб отам*
*Ҳосилин бозорга бир кун элтганди.*
*Бизга қанд-қурс олиб қайтаётган дам*
*Уни қароқчилар талаб кетганди.*

*Истиқлол, бозорга кетган отажон,*
*Таянгин ҳамсафар яроқчиларга.*
*Кўз тикиб турибмиз сенга нигорон,*
*Таланмасанг басдир қароқчиларга.*

2006 йил, 21 июнь.

## ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ижрочи директори Чол-Хви Ли 21 июнь куни мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашди.***

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов билан мулоқотда Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, иқтисодий инфратузилмани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ижросида мазкур молиявий муассаса мамлакатимизнинг яқин ва фаол ҳамкорларидан экани қайд этилди.

Меҳмон Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг зарур ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганини алоҳида қайд этди. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун қулай сармоявий муҳит яратилганига, бунинг учун тегишли қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилганига юқори баҳо берди.

Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи муҳокама этилиб, алоқаларнинг янги йўналишларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Юртимизда мазкур молиявий муассаса билан ҳамкорликда умумий қиймати 914,7 миллион АҚШ долларига тенг 19 лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, умумтаълим мактабларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Осиё тараққиёт банки ўртасида иккита грант-шартнома имзоланди. Ҳужжатларга биноан Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларнинг умумий таълимини такомиллаштириш ва таълим соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун умумий қиймати 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади.

ОТБ "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш лойиҳасида ҳам қатнашмоқда. Чол-Хви Ли мазкур корхонада ҳам бўлиб, у ердаги иш жараёнлари билан танишди.

**(ЎзА).**

**Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига**

*Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги республикамиздаги каби дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳам кенг нишонланмоқда. Мазкур сана муносабати билан илмий анжуманлар ўтказилмоқда, буюк аждодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материаллар эълон қилинаётир. Жумладан, Италиянинг Марко Поло институти томонидан нашр этиладиган "Марко Поло" журналининг 2006 йил 2-сонида махсус мақола босиб чиқарилган. Қуйида ушбу мақола чоп этилмоқда.*



## БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА

2006 йил 9 апрель куни Ўзбекистонда буюк давлат арбоби ва саркарда, Европада "Тамерлан" деган ном билан машҳур бўлган Амир Темурнинг туғилганига 670 йил тўлиши кенг нишонланди.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илк кунларданоқ, кўп асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улуғ, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Машҳур давлат арбоби, Ўрта асрлар ислоҳотчиси, саркарда, адолат учун толмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалди.

Сиёсий майдонга қадам қўйганида Амир Темур эндигина 24 ёшга кирганди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олганди. Устига устак, Чингизхон авлодлари Мовароуннаҳрга тез-тез босқин уюштириб турарди.

Тахминан бир аср давом этган бу даврда Мовароуннаҳрнинг истибдод аламини тортган оддий фуқаролардан то йирик сиёсий арбобларию дин пешволаригача жуда ҳам оғир кун кечирдилар. Жамиятга озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассам этган халоскор, доҳий зарур эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва йўлбошчи сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди.

1370 йилда Амир Темур Балхда бўлиб ўтган қурултойда Мовароуннаҳрнинг улуғ амири деб эълон қилинди. Тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларни ягона давлатга бирлаштириш Амир Темурнинг асосий мақсади эди. У давлатнинг пойтахти қилиб Сўғдиёнанинг қадимий пойтахти бўлган Афросиёб харобалари ёнидаги Самарқандни белгилади ва янги шаҳарга асос солди.

Амударё билан Сирдарё оралиғи, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини бирлаштириб ўзига бўйсундиргандан кейин Амир Темур бошқа мамлакатларга ҳарбий юришларга киришди.

Амир Темур салтанати Ўрта Осиёда 35 йил (1370-1405) ҳукм сурди. У Марказий Осиё ҳудудларини ягона марказлашган давлатга бирлаштирди, Ҳинд ва Гангадан то Сирдарё ва Зарафшонгача, Тянь-Шандан то Босфоргача улкан империя барпо этди.

Амир Темур ҳарбий юришларининг билвосита оқибатлари улкан аҳамиятга эга: у Хитойда Минь сулоласи давлат бошига келганда мўғулларнинг Хитойга солаётган хавфининг олдини олди; Олтин Ўрдани енгиб Москва Руси учун ҳам худди шундай ёрдам кўрсатди. 1402 йилда усмонлилар султони Боязид устидан Европа учун катта аҳамиятга эга бўлган ғалабани қозониб, усмонлиларнинг Константинополни истило этишларини ярим асрга суриб юборди. Француз тарихчиси Р.Груссе 20-аср бошларида "Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси христиан оламини асраб қолди", деб ёзган эди.

Тарих Амир Темурни македониялик Искандар, Доро 1, Юлий Цезарь каби йирик саркардалар билан бир қаторга қўяди. Амир Темур мингта жанг ўтказиб бирортасида ҳам енгилмаган машҳури замон саркарда сифатида, давлат тузилиши ишларига, илм-фан, маърифат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб сифатида тарихга кирди.

Амир Темур тарафидан тарқоқ вилоятлар ягона давлатга бирлаштирилиб, марказий ҳокимият тузилиб барқарорлашгандан кейин, мамлакат иқтисодиёти мустаҳкамланди, савдо ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожлана бошлади, қўшни ва узоқдаги мамлакатлар билан савдо-хўжалик алоқалари кенгайди.

Амир Темур ҳаётлик пайтида давлат бошқаруви ҳақида "Темур тузуклари" деган номда машҳур бўлган махсус китоб ёзилган эди. Унда бу машҳур давлат арбоби ва саркарданинг ҳарбий санъатга, давлат тузилиши ва мамлакатни бошқаришга оид қарашлари акс этди.

"Куч адолатда" шиори бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланди.

14-асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқнинг тижорат, иқтисод ва маданият марказига айланиб борди. Чингизхон қўшинлари томонидан таг-тубигача вайрон қилинган Самарқанд, Кеш, Бухоро, Термиз, Тошкент, Марв, Ҳирот каби ва бошқа қадимий шаҳарлар обод бўла бошлади. Масжиду мадрасалар, мақбаралар, карвонсаройлар ва ҳаммомлар қурилди.

Улкан ва бепоён мамлакатнинг пойтахти рутбасини олган Самарқанд, Амир Темурнинг ниятига кўра, курраи заминдаги энг чиройли шаҳарга айланиши керак эди. Самарқанд Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг яхши меъморлари тўпланган шаҳарга айланди. Меъмор ва бунёдкор усталарнинг баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлари туфайли жаҳон меъморчилигида янги йўналиш пайдо бўлди ва у ижоднинг гўзал намуналарини инъом этди.

Амир Темур ҳаётлик пайтида бунёд этилган ўнлаб меъморий ёдгорликлар инсон тафаккури, ақли ва салоҳиятининг беназир тажассуми эди.

Амир Темур 12-асрда яшаган ислом илоҳиётчиси, шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий даҳосига эҳтиром кўрсатиб, унинг шарафига Туркистон шаҳридаги кичик дахма устида улуғвор мақбара бунёд эттирди. Мақбара бугунги кунда ҳам ўзининг салобати, кўрки ва ажойиб сопол безаклари билан кишини ҳайратлантиради.

Хожа Аҳмад Яссавий адолатни, инсоннинг ахлоқий покланиш ва комилликка эришиш ғояларини тарғиб этгувчи сўфийликнинг "яссавия" тариқати асосчиси эди. Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийни ўзининг пири деб билар, динга кишиларни маънавий ва ахлоқий камолотга етакловчи, мамлакат куч-қудрати ва улуғворлигини мустаҳкамловчи куч сифатида ёндашарди.

15-аср тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур "ободончиликка арзийдиган бир қарич ҳам ер бўш қолмасин", деб қайғурарди.

Улкан ва қудратли салтанат барпо этган Амир Темур янгича тарихий вазиятда мамлакатда маънавиятнинг гуллаб-яшнаши, юксалиши ва ўтмиш даврларнинг

(Давоми 2-бетда).

*«Ўзбекнефтгаз» — «КНОДС»:*

## МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК

***"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси Хитойнинг нефть-газни қидириш ва ишлаш бўйича «КНОДС» миллий корпорацияси билан республикамизнинг инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини олиб бориш юзасидан битим имзолади.***

Жорий йилнинг 8 июнь куни Пекин шаҳрида давлатлараро тасдиқланган ҳужжатга биноан, Хитойнинг ушбу компанияси мамлакатимизнинг бешта инвестиция блоки — Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона минтақаларида геология-қидирув ишларини олиб боради.

Беш йилга мўлжалланган кенг кўламдаги ана шу ишларнинг умумий инвестиция миқдори 208,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу маблағнинг 88,3 миллион АҚШ доллари минимал дастур доирасида ўзлаштирилади. Битимга кўра, лойиҳадаги 2Д миқдор бўйича 7 минг километр ва 3Д миқдор бўйича 1,320 минг квадрат километр майдонда сейсмик қидирув ишларининг бошланғич ҳажмини амалга ошириш, 15 та излаш-қидириш ва 12 та баҳолаш қудуғини бурғулаш режалаштирилган.

Хитой томони геология-қидирув ишларини олиб боришнинг дастурини ишлаб чиқиш ва лойиҳанинг оператори вазифасини бажарадиган ўз шўъба компаниясини юртимизда рўйхатдан ўтказишга киришди. Янги конларни топишни томонларнинг тенг улушлари асосида ташкил этиладиган мазкур корхона бажаради. Бунда Хитой компанияси нефть ва газнинг янги конларини ўзлаштириш учун жалб этиладиган молиявий маблағларга кафолат беради.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси матбуот марказининг хабарига кўра, хорижий компания геология-қидирув ишларини олиб боришдан ташқари, шунингдек, Хитойдаги ўқув юртларида республикамизда мазкур соҳада ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ҳам молиялаштиради. Бунинг учун 500 минг АҚШ доллари сарфлаш кўзда тутиляпти.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*Мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бозор муносабатлари изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Сўнгги йилларда коммунал хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар қилинаяпти.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ражаббой РЎЗМЕТОВ билан суҳбатимиз коммунал хизматлар тарифлари асоссиз оширилишининг олдини олиш, бу борадаги қонунчилик ва норматив ҳуқуқий базанинг аҳволи ҳақида бўлди.*

# ТАБИАТ ИНЪОМ ЭТГАН НЕЪМАТЛАР

**Қарор ва ижро**

— Бугунги кунда ҳаётимизни электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва иссиқлик энергиясисиз тасаввур қила олмаймиз, — дея гап бошлади Ражаббой Раҳимович. — Шу боис, коммунал соҳа кундалик ҳаётимизнинг алоҳида эътиборга молик жабҳаларидан биридир. Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан соҳага оид қатор фармон ҳамда қарорлар қабул қилиниши, ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш билан бирга аҳолининг уй-жой фондидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар самарасини янада ошириши шубҳасиздир.

Қарорда, жумладан, барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари, ушбу хизматлар учун календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт, деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, шартномада белгиланган муддатларда ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда пеня қўшиб ундирилиши ҳамда коммунал хизматлар ушбу манбалардан узиб қўйилиши ҳам кўрсатилган.

Кейинги вақтларда амалиётда тез-тез учраб турадиган қоидабузарликлар, яъни, газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ҳамда бундай жиҳозлар кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашишга йўл қўйиш кабилар алоҳида кўрсатилиб, уни содир этган шахслар қонунчиликка мувофиқ, то жиноий жавобгарликкача тортиладилар.

2005 йил 1 январдан бошлаб аҳоли томонидан коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилиши йўлга қўйилган. Лекин, коммунал хизматлар учун тарифларнинг йилда бир неча марта ўзгариши, яъни ўсиши аҳоли ўртасида асосли равишда тушунмовчилик ва норозиликларга сабаб бўлмоқда.

**— Ушбу манбалар нархларининг ўсишига нималар сабаб бўлаяпти?**

— Авваламбор, мазкур соҳада бозор механизмининг тўлиқ шаклланмаганлиги, ислоҳотларнинг жуда секинлик билан олиб борилаётгани, жумладан, рақобатчи субъектларнинг жорий қилинмаганлиги ана шундай ҳолатларнинг объектив сабабларидир. Бугунги кунда соҳадаги хизмат кўрсатувчи техника ва технологиянинг маънавий ҳамда техник жиҳатдан эскирганлигининг ўзи исрофгарчиликка олиб келмоқда. Айтиш жоизки, ушбу соҳаларда эскириш даражаси 36,1 фоизга келиб қолган.

Шунингдек, истеъмолчиларнинг ўлчагич асбоблари билан тўлиқ таъминланмаганлиги, яъни ўрнатилган ўлчагичлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаганлиги, истеъмолчиларнинг ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилмаётгани эса хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ўз қуввати даражасида ишлай олмаслигига ва хизмат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг вақтида иш ҳақларини ололмаётганига сабаб бўлади.

Яна газ, сув, канализация тармоқларидан ўзбошимчалик билан ноқонуний фойдаланишлар, хизмат кўрсатувчилар томонидан харажатларнинг сунъий оширилиши, ишчи ўринларининг ихчамлаштирилмаганлиги каби бир қатор сабабларни ҳам алоҳида кўрсатиш ўринлидир.

**— Аҳолини ичимлик суви ва иссиқлик билан таъминлаш борасидаги етишмовчиликларни бартараф этиш бўйича нималар қилинмоқда?**

— Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда республикамиз бўйлаб аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бироқ айрим ҳудудлардаги ичимлик суви етказиб бериш тизимлари ўз хизмат муддатини ўтаб, бўлганлиги туфайли тубдан янгилашни талаб қилаяпти. Аҳолига ичимлик суви етказиб бериш жараёнида авария ҳолатлари, яъни ёткизилган қувурлар ярокcиз ҳолга келиб қолганлиги туфайли, уларни таъмирлашга кўп миқдорда харажат қилинмоқда. Ушбу харажатлар эса сув баҳосининг ошишига олиб келади.

Соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарорида аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг замонавий тизимини жорий этиш дастури тасдиқланиб, бунда ҳисобга олиш приборларининг ўрнатилишини тўлиқ туғаллаш муддатлари назарда тутилган.

Кўпқаватли турар жойларга, маданий-маиший объектларга, ишлаб чиқариш корхоналарига марказлашган тарзда иссиқлик етказиб бериш ўз самарасини бермаяпти. Чунки бугунги кунда фойдаланилаётган буғ агрегатлари, энергия сарфининг ошишига етказиб берилаётган иссиқлик энергиясининг нархи юқори бўлишига олиб келмоқда. Шунинг учун ушбу соҳада маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, иссиқлик билан таъминлашнинг марказлаштирилмаган турига ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**— Фуқаролардан об-ҳаво совий бошлаши билан табиий газ етказиб бериш ёмонлашаётгани, газ босими пасайиб кетаётгани тўғрисида шикоятлар кўпаяди...**

— Бу каби тушунмовчилик ва саволлар туғилмаслиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил май ойидаги қарорида, газ етказиб берувчи томонидан газ шартномавий ҳажмлардан кам берилган тақдирда уни етказиб берувчи муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлашлиги кўрсатилган.

Албатта, бу борада мазкур хизмат кўрсатувчи соҳа ходимлари фуқароларимизга ҳалол ва сидқидилдан хизмат кўрсатиш борасидаги масъулиятини янада чуқур ҳис этишса, нур устига аъло нур бўлади.

Мамлакатимизда табиат инъом этган улуғ неъмат — нон улуғланади. Уни увол қилиш гуноҳ ҳисобланади. Табиий газ, электр энергия, ичимлик суви ҳам бизга инъом қилинган бебаҳо неъматлардандир. Демак, уларнинг ҳам қадрига етиб, фойдаланилган газ, сув ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақини тўлаб истеъмол қилишлик, уларни асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиб бериш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

**«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.**

# БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

олий анъаналари тикланиши учун шарт-шароит яратди. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вакилларининг гуманитар соҳаларга алоҳида эътибори туфайли XIV-XVI асрларда юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришилди.

Амир Темур ва Темурийларнинг аёлларга бўлган меҳрибонларча муносабатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Амир Темур ўзининг суюкли рафиқаси Бибихоним шарафига Самарқандда улуғвор жоме масжид қурдирди. Бибихоним номи билан аталувчи бу масжид Амир Темур даврининг энг маҳобатли биноларидан бири саналади. Масжид 1399-1404 йилларда қурилган ва ҳозирга қадар яхши сақланган. Буюк бобокалонидан ўрнак олган бобурий Шоҳжаҳон суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал бегим учун 1652 йилда мақбара — дунё мўъжизаларидан бирига айланган нодир меъморий ёдгорлик қурдирди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида адабиёт, амалий ва тасвирий санъат ривожланди. Айниқса, исломга қадар мавжуд бўлган деворий монументал расм ва китоб миниатюраси санъати юксалди.

Амир Темур тарихда моҳир дипломат ва давлатлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш тарафдори сифатида чуқур из қолдирди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширди. Соҳибқирон дунёнинг турли мамлакатлари билан алоқалар ўрнатди: бир тарафдан — Хитой, Ҳиндистон, иккинчи тарафдан — Франция, Англия, шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар.

Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар орасида ягона макон яратишда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. У Испания қироли Генрих III, Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих саройларига элчилар йўллади; айни пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилди.

Амир Темур умрининг кўп қисмини юришларда ўтказди. Шарққа қилган юриши пайтида Амир Темур 1405 йил 18 февраль куни Ўтрор шаҳрида вафот этди. Унинг жасади Самарқандга олиб келиниб, 23 февраль куни Гўри Амирда, набираси Муҳаммад Султон даҳмасида дафн қилинди.

Европалик олимлар Амир Темур ва унинг фаолияти ҳақида бундан тўрт юз йил илгари гапира бошлаган эди. 1553 йилда Флоренция (Италия)да итальян олими Перондино қаламига мансуб "Скифлик буюк Тамерлан" китоби босилиб чиқди. Бу Европада Амир Темур ҳақидаги илк илмий тадқиқот ҳисобланади.

Европа тилларида (испан, инглиз, француз) эълон қилинган ёзма манбалар ичида биринчи ўринда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406)" туради. Буюк Рембрандт Бобурийлар замонидаги ҳинд миниатюраларидан илҳомланиб, Амир Темурни унинг ворислари Умаршайх, Заҳириддин Бобур, Ҳумоюн ва Акбар даврасида тасвирлайди.

XVI асрда яшаган машҳур инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марлонинг "Буюк Темур" номли трагедиясида ёш Темурбек ўзининг тенгсиз ақли, салоҳияти ва шижоати билан жаҳон тарихидаги қудратли подшолардан бирига айлангани намойиш этилган. Трагедия XVII асргача саҳнадан тушмай, Англияда театр мавсумини бошлаб берган.

Бир неча европалик бастакорлар операларда Амир Темур образини яратганлар. XVII аср бошида итальян бастакори Гаспирни "Тамерлан" операсини яратди. Мазкур опера Вена театрида саҳна юзини кўрди. Бастакор Лео уни Неаполь театрида саҳналаштирди. Антонио Вивальди, Сколари, Гендель ва бошқа бастакорлар ҳам бу мавзуда мусиқа асарлари яратганлар.

Бугун жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва Темурийлар даврига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Европа тилларида Амир Темурга бағишлаб ёзилган салмоқли асарларнинг сони 500 га етди, Шарқ тилларида эса 900 дан ошди.

**М. АҲМЕДОВ таржимаси.**

## Самарали мулоқот

***Хоразм вилояти ҳокимлигида судьялар мустақиллиги мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Хоразм вилоят ҳокимлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Германиядаги Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Унда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар, адвокатлар қатнашдилар.

Семинар ишида Германия Бундестаги депутати Дойблер-Гмелин хонимнинг «Судьялар мустақиллиги: Германия мисолидаги Европа тажрибаси» мавзусида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузалари тингланди. Шундан сўнг семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Семинар иши баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Вилоят суд-ҳуқуқ органлари ходимлари тадбирдан катта таассурот олдилар. Куннинг иккинчи ярмида семинар ўз ишини Урганч Давлат университетида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида давом эттирди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



*Янгийўл туманидаги "Маҳмудов Ўткир" фермер хўжалигининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган хўжалик жамоаси юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Ғалла, пахта етиштириш бўйича шартнома режалари ошириб бажарилмоқда.*

*Фермер хўжалиги етакчиси Гулчеҳра Маҳмудованинг айтишича, барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилмоқда. Шу боис, 125,8 гектар ердан бу йил ҳам юқори ҳосил олиниши кутилмоқда. Ғалладан ўртача 55 центнердан ошириб хирмон уйилди. Энди пахтадан 35-40 центнер ҳосил олиш ниятида асосий эътибор ғўза парваришига қаратилган.*

**СУРАТДА: фермер хўжалиги аъзолари Алимхон Бектоев, Заҳро Соҳибова ҳамда Зулфия Норхўжаевалар.**

**Акбар АЛЛАМУРОДОВ олган сурат.**

**Журналист суриштируви**

*Орзигул Мелиева Самарқандда туғилган. Ҳозир ҳам шу шаҳарда яшайди. Ёши 22 да. Таъбир жоиз бўлса, умр аталмиш йўлнинг катта ҳаётга қадам қўядиган довонида. Бироқ тақдири азал унга бундай бахтни раво кўрмаган, аксинча, қисматини кемтик қилиб яратган. Бунинг ўзига хос сабаби бор...*

*У дунёга келгани ҳамоно гемолитик-сариқлик хасталигига йўлиқди. Чилласидан сўнг ўткир вируслар қўзғатадиган юқумли касаллик билан оғриди. Орқа мияси пункция қилингач, аҳволи баттар танглашди. Ҳафта-ўн кун сунъий нафас воситасида яшади. Кейин вужудида иситма аралаш талвасали хуружлар туғён урди. Пировардида унга олигофрениянинг имбециллик (ақли норасоликнинг ўртача) даражаси, нейроинфекция асоратига асосланган болалар бош мия фалажи ташхиси қўйилиб, ногиронлик нафақаси тайинланди.*

# ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Қизалоқ болалик ва ўсмирлик даврида ҳам кўп даволанди. Москвада тиббий кўрикдан ўтиб, Тошкент ва Самарқанддаги диспансерлар кузатувида бўлди. Афсус, барибир, нафи тегмади. Ботмонлаб келган дард, лоақал мисқоллаб бўлса-да, кетмади. Ахийри, мустақил юролмаслиги, ўзига ўзи хизмат қилолмаслиги туфайли 16 ёшидан эътиборан унга умрбод биринчи гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Бунданам ачинарлиси, иқболи нигун қизалоққа кимсан, туққан онаси вафо қилмади. Зурриёдини ташлаб, оиладан чиқиб кетди.

Хайриятки, Орзигулнинг бахтига бувиси Кенжа Раймова бор экан. Салкам 35 йил муаллималик қилган, бугунги кунда 66 ёшни қоралаган бу мушфиқ аёл неварасини ёлғизлатиб қўймади. Қолган умри-ю, бор меҳрини шу норасидага бағишлади. Мудом унинг атрофида гирдикапалак бўлди, мудом оқ ювиб-оқ таради. Нафақага чиққач, ҳеч бир тамасиз уни қонунан ўз васийлигига олди. Юрса ҳам, турса ҳам, боякишни оёққа қўйишни, эл қаторига қўшишни ўйлади. Ўйлай-ўйлай, уни хорижда даволатишга шайланди. Эзгу ниятда турли идораларга невараси номидан мактублар йўллай бошлади. Аммо...

Қўлимиздаги баъзи ҳужжатларга қараганда, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Кенжа опанинг аризасига биноан Орзигул чет элда даволанишга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини аёнлаштиришга аҳд қилади. Шу мақсадда бошқарма ва Самарқанд тиббиёт институти мутахассисларидан иборат тиббий комиссия тузилади. Комиссия 2002 йил 21 сентябрда Орзигулнинг соғлиғини текшириб, унинг хасталиги сурункалилигини, умумтиббиёт нуқтаи назаридан йўқотилган функцияларнинг тўлиқ тикланишига умид боғлаб бўлмаслигини аниқлайди. Хорижий давлатларда қўлланиладиган муолажалар республикамиздаги даво усулларидан фарқ қилмаслигини таъкидлаб, беморни даволаш учун чет элга юбориш шарт эмас, деган тўхтамга келади. Шу билан бирга, уни Самарқанд тиббиёт институтининг 1-клиникаси нейрохирургия бўлимида кўрикдан ўтказиш оғзаки тавсия этилганда бувиси комиссия аъзолари билан тортишиб кетганини, ҳеч нарсани тушунишни истамаганини эслатади.

Ана шундан сўнг ҳолат бутунлай бошқача тус олади. Кенжа Райимова унга комиссия томонидан гўёки руҳий хасталикка оид ташхис қўйилган деган важ асосида дарҳол вилоят руҳий саломатлик марказида консультатив ҳисобга олинади. Қарабсизки, шу пайтгача яккаш невараси тақдирига қайғуриб келган онахон энди ўз шаъни ва ор-номуси учун ҳам курашга чоғланади. "Комиссия мени умуман, неварамни тўлиқ текширмаган. Бас, шундай экан, қай асосда бизни руҳан носоғломга менгзашди?" дея, турли идораларга устма-уст шикоят ёзишга киришади. Сўзининг исботи сифатида Орзигул руҳий саломатлик маркази ҳисобида турмаслиги хусусида ушбу муассасадан 2001 йил 19 декабрда берилган маълумотномани илова қилади. "Бизни савдойига йўйганлар кирдикорларига яраша жавоб беришсин" қабилидаги талабни ўртага қўяди. Бу билан ҳам қаноатланмай, 2004 йил 27 сентябрда Тошкентга йўл олади.

*— Ўша куни, — дея сўзида давом этади у, — ўзимни ва неварамни республика руҳий касалликлар клиникасида текширтирдим. Диспансер бўлими мудири Р.Исоқов иккаламизда ҳам бунақа хасталик йўқлиги ҳақида хулоса берди. Шунга қарамай, 19 октябрь куни вилоят руҳий саломатлик марказидан бир неча киши бизни олиб кетиш учун уйимизга келди. Кўпчилик ўртага тушгач, ноилож шаштларидан қайтишди...*

Кенжа опанинг хонадонида бўлганимизда, унинг гапларини Ш.Маърипова, М.Раупова, М.Раҳматова, М.Пўлатова, Т.Бозорова сингари қўшнилари ҳам ёзма тарзда тасдиқлаб, эна-бола руҳиятида ҳеч қачон салбий ўзгариш сезишмаганини айтишди. Вилоят руҳий саломатлик маркази бош шифокори ўринбосари Раъно Шукуруллаева бунга қарама-қарши ўлароқ, Кенжа опанинг ва Орзигулнинг қўлидаги маълумотномалар камида уч нафар врач томонидан имзоланмагани боис ҳақиқий ҳисобланмаслигини, онахоннинг консультатив ҳисобга олинишига нуфузли комиссия хулосаси асос бўлганини эслатди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи М.Муслимов бурноғи йил 14 сентябрда вилоят ҳокимлигига йўллаган жавобда эса қуйидаги жумлаларни ўқидик (*мазмунан келтирамиз*): "К.Райимова тиббий кўрик пайтида Самарқанд тиббиёт институти профессорларини ҳақоратлаб, жанжал чиқарган. Фикрлаш доираси торлиги, эмоционал қўзғалувчанлиги, асоссиз шантаж ва жанжалларга мойиллиги, ўз хатти-ҳаракатини жиловлай олмаслиги ҳисобга олиниб, комиссия томонидан унда "Психопатиянинг тез декомпенсацияланувчи қўзғалувчан тури, яққол параноял қўшилмалар билан кечувчи шакли" руҳий бузилиш белгилари мавжуд деб топилган ва вилоят руҳий саломатлик маркази диспансери ҳисобига олинган. Вилоят ҳокимлиги ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан руҳий бемор О.Мелиевани даволаш ва реабилитация қилишда кўрсатилаётган ёрдамга қарамай, К.Райимова шикоят хатлари ёзишдан тўхтамаяпти. Комиссия унинг шикоятбозликка мойиллиги кучлилигини ундаги руҳий ўзгаришлар ва ўз моддий манфаатларини қондириш туфайли деб ҳисоблайди".

Айни фикр соғлиқни сақлаш бошқармаси Бош психиатри ҳузуридаги жамоатчи-маслаҳатчи экспертлар кенгаши 2004 йил 25 октябрда, аниқроғи, Кенжа опа руҳий саломатлик марказининг диспансер бўлимида консультатив ҳисобга олинганидан 25 ой, ўзи билан неварасини пойтахтда текширтирганидан 28 кун кейин имзолаган баённомада ҳам такрорланган. Шунингдек, тўрт кун бурун кенгашга таклиф қилинганида у қўшниларини чақириб, хабар етказган ходимга нисбатан қўпол муомалада бўлгани битилган. Охирида руҳий бузилиш белгиларига асосан К.Райимовани Орзигулга васийлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш учун судга мурожаат қилиш лозим деб топилгани таъкидланган. Руҳий саломатлик маркази бош врачи М.Абдусатторов эса шаҳар прокурорига хат ёзиб, унинг муомалага лаёқатсизлигини мажбурий тартибда аниқлашда амалий ёрдам сўраган.

Бу билан биз Кенжа опани ҳақ ҳисоблаб, шифокорларни қораламоқчи, Орзигулга кўрсатилган моддий-маънавий ёрдамларни инкор қилмоқчи эмасмиз. Фақат бошқа нарсани эслатмоқчимиз: "Жаҳл келганда, ақл кетар!" деганларидек, Кенжа опа гоҳида ўзини тутолмаган, азбаройи жигарбандининг қисматига ачинганидан, аччиқ устида кимларгадир қаттиқроқ гапирган бўлиши мумкин. Лекин бунинг учун эна-болани бирваракайига дабдурустдан руҳий касалга чиқариб қўйиш тўғри эмас. Бундай дейишимизга асослар бор. Аввало, Раъно Шукуруллаева бизга тақдим қилган ҳужжатлар орасида комиссия Орзигулда чақалоқлигидан олинган менингоэнцефалит асорати, болалар бош мия фалажининг диплегик шакли, олигофрениянинг имбециллик даражаси туридаги касалликлар мавжудлигини аниқлагани қайд этилган хулосани кўрдиг-у, Кенжа опани тиббий кўрикдан ўтказиб, ташхис қўйганини исботловчи далилни учратмадик. Шаҳардаги 3-поликлиникадан олинган амбулатор карта кўчирмасида эса унинг тизза бўғимида оғриқ борлиги, ўқтин-ўқтин юраги санчиши битилганди, холос. Иккинчидан, руҳий саломатлик маркази бош шифокори М.Абдусатторовнинг хатида К.Райимованинг касаллиги айнан нимадан иборатлиги ва у ўз ҳаракатига жавоб бера олиш-олмаслиги аниқ ташхис орқали исботлаб берилмаган. Шу боис унинг илтимоси прокуратура томонидан рад этилган.

Масаланинг энг муҳими, тан оламизми-олмаймизми, Орзигулнинг корига ҳозир ҳам ёлғиз бувиси яраяпти. Эна-бола кафтдеккина ҳовлида, битта ошхона-ю ётоқхонадан иборат ночоргина уйда бир-бирига суяниб яшаяпти. Икковлон Орзигул ногиронлиги учун оладиган 18 минг, Кенжа опанинг қўлига тегадиган 27 минг сўмлик нафақа пули ҳисобига кун кечираяпти. Борди-ю, Кенжа опа васийлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилса, ювиб-таранган, саранжом-сариштa кийинган кўйи ҳамсоя қизалоқлар қуршовида ўйнаб-яйраб ўтирган Орзигулнинг кейинги ҳаёти қандай кечади? Унга ким қарайди? Ёки махсус шифохонага жойлаштириладими? Эҳтимол, шундай ҳам бўлар. Лекин бу маскандаги шарт-шароит ва ғамхўрликни оила муҳитига тенглаштириб бўладими? Орзигулга бувиси, уззукун атрофида гиргиттон қўшнилари кўрсатаётган меҳр-мурувват ўрнини бошқа бирон нарса боса оладими? Бизнингча, йўқ!

Модомики, шундай экан, хаста-ногирон қизни бувисидан зўрма-зўраки равишда жудо қилишнинг кимга, нима кераги бор? Бунисини билмадик, аммо Кенжа опа билан неча бор суҳбатлашсак-да, бирон мартаям унинг феъл-атворида ғайритабиийлик сезмадик. Билъакс, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари кўпни кўрган кексаларникига монандлигини ҳис этдик. Энг муҳими, унинг мақсади, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари урғу беришганидек, шахсий моддий манфаатини қондириш эмас, балки Орзигулни даволатишдан иборат эканлигини англадик. Шунданми, у ҳатто биринчи гуруҳ ногиронига қарагани учун 12 йилдан буён нафақа олмас экан. Бундан ташқари, танҳо невараси парвариши билан кифояланмай, ўзи масъул кўчага табиий газ ва ичимлик сув киритишга катта ҳисса қўшган, кайвони аёл сифатида "Истиқбол" маҳалласидаги тўй-маъракаларни рисоладагидек ўтказишга ҳар доим бош-қош бўлиб келаётган экан. Буни оқсоқол Ҳ.Алиқулов ва котибаси Н.Тинибекова ҳам рўй-рост эътироф этиб, у ҳақда ижобий тавсифнома ёзиб беришди.

*Ва ниҳоят, сўнгги мулоҳаза. Хусусий тартибда фаолият юритаётган шифокор Собиржон Насриев ҳамкасблари билан бирга яқинда Кенжа опани ва неварасини замонавий "Оберон" аппаратида текширувдан ўтказди. Пировардида уларда руҳий оғишлар йўқ, Орзигулнинг хасталикларини даволаш зарур, деган хулоса чиқарди.*

Демак, тушкунликка тушмаса, нимадандир умид қилса бўлади. Айни чоғда, "Орзигулни хорижда даволатаман!" деган фикрга маҳкам ёпишиб олган Кенжа опага унинг нияти диёримизда ҳам ушалиши мумкинлигини, бунинг учун имкониятларимизу малакали мутахассисларимиз етарлилигини ётиғи билан тушунтиришга тўғри келади. Бироқ онахоннинг эзгу мақсади рўёбга чиқиши, ўзимиздами-четдами, барибир, маблағга бориб тақалади. Масаланинг бу жиҳатини ижобий ҳал этиш эса, мутасадди идоралар ва хайрия жамғармаларининг ташаббуси-ю, ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатпеша инсонлар ҳимматига боғлиқ. Қолганига, халқ тили билан айтганда, Худо пошшо!..

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# «МТС – UZDUNROBITA»: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ИМКОНИЯТ

**_Маълумки, Россиянинг "МТС" уяли алоқа компанияси шу йил 10 майда ўзининг янгиланган брендини тақдим этди. Россиянинг ўзида, шунингдек, "МТС"га тегишли компаниялар ишлаб турган МДҲ мамлакатларида ребрендинг бошланганлиги маълум қилинди. Барча компаниялар, шу жумладан, "Уздунробита" ҳам "МТС"нинг янги брендига босқичма-босқич ўтказилади. Шу муносабат билан "Уздунробита" компаниясининг маркетинг бўйича директори Тоҳир ИРГАЗИЕВ бизнинг бир неча саволларга жавоб берди._**

**— Тоҳир Файзуллаевич, "Уздунробита" компанияси 1991 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси уяли алоқа бозорида етакчилик қилиб келмоқда. Бундай натижаларга қандай қилиб эришаяпти?**

— Компаниямиз, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг уяли алоқа бозорида етакчи ҳисобланади. 1992 йилда Ўзбекистонда, умуман, бутун Марказий Осиёда биринчи қўнғироқ янграганидан хабардорсиз. "Уздунробита" компанияси ўз фаолиятини дастлаб Тошкентда бошлади, кейинги уч йил ичида аввал "NMT-450", сўнгра "AMPS/DAMPS" тармоқларини қуриб, ўз тизимини бутун республика бўйлаб кенгайтирди. 2002 йилга келиб эса, GSM 900/1800 тармоғи ҳам ишга туширилди.

Таъкидлаш жоизки, компаниямиз аввал бошданоқ ўз тармоғини республика бўйлаб кенг ривожлантиришни аниқ мақсад қилиб қўйган эди. Бунда гарчи у пайтда уяли телефон кўпчилик учун ғайриоддий туюлсада абонентлар сонини кўпайтириб бориш назарда тутилганди. Биз компаниямиз тармоғи иш бошлаган барча вилоятларда ўз офисларимизни очдик. Ҳар бир филиалда тармоқнинг сифатли ишлаши ва абонентларга комплекс хизмат кўрсатиш учун техник, абонентлик, маъмурий ва бошқа барча зарур хизматлар тузилмалари ташкил этилди. Бугун компаниямиз республика вилоятлари ва маъмурий марказларда жойлашган 20 дан зиёд филиал ва бўлинмаларга эга. Улар, 2006 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 750 мингдан зиёд абонентга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, компания доимо янгиликка интилиб келаяпти. Биз ҳар йили янги-янги хизмат турларини жорий этаяпмиз. Масалан, "WAP", "MMS", "GPRS", "GPRS-роуминг", "Шахсий кабинет", "Мобил пейжинг", хизматлар учун карточка ёрдамида тўлаш каби хизматлар айнан бизнинг компаниямиз томонидан биринчи бўлиб йўлга қўйилган.

2005 йилда "Уздунробита" компанияси ўз тармоғига уланиш ва тўловларни экспресс-тўлов карточкалари орқали қабул қилиш бўйича дилерлик офислари тармоғини барпо этди ва шундан буён уни фаол ривожлантириб бормоқда. Ҳозирги кунда бутун республика бўйича дилерлик ва агентлик нуқталари сони 800 дан ошгани бунинг далилидир.

Менимча, айнан ана шу омилларнинг барчаси "Уздунробита" компаниясининг ҳар жиҳатдан "биринчи уяли" бўлиши учун хизмат қилмоқда.

**— Компания кўрсатаётган хизмат турларининг кўлами, хусусан, унинг Ўзбекистондаги бошқа уяли алоқа операторларидан айнан қайси жиҳатлари билан ажралиб туриши ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— "Уздунробита", аввало, овозли алоқанинг анъанавий турлари билан бирга кўплаб қўшимча хизматлар кўрсатаётгани, шу орқали ўз абонентларига катта қулайликлар яратиб бераётгани билан бошқалардан фарқ қилади. Бу хизматлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

** "SMS" — қисқа хабарлар хизмати*

** "MMS" — мултимедия хабарлари (расмлар, суратлар, мусиқалар, видео ва шулар каби)ни жўнатиш ва қабул қилиш*

** "Халқаро роуминг" — ўзининг «GSM» рақамидан чет элда фойдаланиш (2006 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 91 мамлакатда)*

** "GPRS" ва "Халқаро GPRS-роуминг" — ҳам Ўзбекистонда, ҳам чет элда роумингда бўлганда тезкор Интернетга эга бўлиш*

** "WAP" — уяли телефон ёрдамида Интернетдаги махсус саҳифаларни кўриш*

** "Севимли рақам" — хизмат режасидаги қўнғироқларга нисбатан нархи анча арзон бўлган бештагача севимли рақамни ўрнатиш*

** "Шахсий кабинет" интернет-хизмат — шахсий ҳисоб рақамидаги ҳолатни Бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали назорат қилиш, қўшимча хизматларга ўзгартиш киритиш, сўзлашувлар, SMS, MMS, маълумот узатиш ҳақида мукаммал маълумот олиш, "Севимли рақам"ларни бошқариш*

** Мобил ёрдамчи ("BOSS") — абонент хизматларини SMS орқали бошқариш (ёқиш ва ўчириш)*

** Контент хизматлари — об-ҳаво, валюта курси, ўйинлар, мусиқалар, расмлар ва бошқалар.*

Яна шуни айтиш керакки, бизнинг компаниямиз ҳамкорликда фаолият юритиш учун Россиянинг йирик контент-провайдерларини биринчи бўлиб республикага жалб этди. Бугун эса фаолиятнинг ушбу йўналиши тез ривожланмоқда.

Биз кўрсатаётган хизмат турлари доираси жуда кенг ва у фақат юқорида келтирилган рўйхат билан чекланмайди. Биз эришилган ютуқлар билан қаноатланмоқчи эмасмиз. Абонентларимиз яқин вақт ичида янги, янада қизиқарли ва фойдали хизмат турларидан баҳраманд бўладилар.

**— Маълумки, 2004 йил 2 август "Уздунробита" компанияси ва унинг абонентлари учун муҳим сана бўлиб қолди. Шу куни Россиянинг йирик "Мобильные Теле Системы" (МТС) акциядорлик жамияти уяли алоқа оператори компаниянгиз акцияларининг 74 фоизини сотиб олди. Бундай битимни амалга оширишда "МТС" компанияси нимага таянди?**

— "МТС" очиқ акциядорлик жамияти Россия ва МДҲ мамлакатларидаги энг йирик уяли алоқа оператори ҳисобланади. У 60 миллиондан зиёд абонентга хизмат кўрсатмоқда. "МТС"нинг лицензиялар портфели Россиянинг кўпгина минтақаларини, Украина, Беларусь, Ўзбекистон ва Туркманистонни ўз ичига олади. Компаниянинг лицензион ҳудудида яшайдиган аҳоли сони эса 233,1 миллион кишига етди. "МТС"нинг акциялари 2000 йил июндан бошлаб Нью-Йорк Фонд биржасидаги MBT коди билан баҳоланмоқда.

"МТС" очиқ акциядорлик жамияти компаниямизнинг 74 фоиз акцияларини сотиб олиши, ҳақиқатан, Ўзбекистоннинг телекоммуникациялар бозори учун ҳам, республика иқтисодиёти учун ҳам муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг етакчи уяли алоқа компанияси энг йирик телекоммуникация компаниялари қаторига қўшилди. Чунки Ўзбекистоннинг уяли алоқа хизмати жуда истиқболли ҳисобланади. Негаки, 26 миллион аҳолининг ҳозир атиги 5 фоизигина уяли алоқадан фойдаланади. "Уздунробита" ушбу бозорда етакчи эканлиги ҳамда унинг ўз абонентларига доимо янги, юқори сифатли хизматларни тавсия этишини ҳисобга олиб, "МТС" компанияси "Уздунробита" компаниясини сотиб олишга қарор қилди. Ўшанда "МТС" раҳбарлари "Уздунробита" акциялари пакетини сотиб олиш масаласида шундай деган эди: "Биз аминмизки, "Уздунробита" абонентлари, республиканинг барча аҳолиси ушбу қўшилувнинг ижобий натижаларини жуда тез орада кўрадилар. Биз Ўзбекистон аҳолисининг кенг қатламини замонавий уяли алоқа хизмати билан таъминлаш учун мавжуд барча ресурс ва имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланамиз".

**— "МТС"нинг келиши Ўзбекистоннинг уяли алоқа бозорига қандай таъсир кўрсатди? Шу даврда "Уздунробита" қандай ютуқларга, яъни ижобий ўзгаришларга эришди?**

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, "МТС" компанияси тармоқларни сифат жиҳатидан ривожлантириш ва ўз тузилмаси технологик базасини такомиллаштиришга доимо жиддий эътибор беради ва бераётир. Чунончи, 2005 йилда техник инфратузилмани ривожлантириш, ускуна ва технологик платформаларни харид қилиш учун 56,4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. 2006 йил учун эса, яна 76,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган.

Компанияни жадал ривожлантириш ва эндиликда миллиондан зиёд абонентни уяли алоқа билан таъминлаш мақсадида инфратузилмани шунча абонентга юксак савияда хизмат кўрсата оладиган даражада ривожлантириш лозим бўлади. Компания 2004 йилдаёқ айнан шу мақсадларга 10.000, 20.000, кейин эса 5.000 сўмлик қийматга эга экспресс-тўлов карточкаларини жорий этди. Бу эса дилерлик ва агентлик тармоқларини бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг ёйиш имконини берди. Эндиликда компаниямиз мижозлари нафақат "Уздунробита" офислари, балки 450 дан ортиқ агентлик нуқталарида уланишлари, шунингдек, тўловларни 350 дан ортиқ агентлик нуқталарида экспресс-тўлов карточкалари орқали тўлашлари мумкин.

Ўзбекистоннинг янада кўпроқ аҳолисига уяли алоқа хизматидан фойдаланиш имконини яратиш мақсадида компаниямиз ўз хизматлари ҳақини изчил камайтириб бораяпти. Фақат охирги йилнинг ўзида тарифлар фоиз эмас, балки марта ҳисобида пасайтирилди! Бу юз минглаб ҳамюртларимизга "Уздунробита" компаниясининг энг замонавий уяли алоқасидан фойдаланиш имконини яратди. Агар 2005 йилнинг январида 300 мингга яқин абонент бўлса, йил охирига келиб, 560 мингга етди. Ҳозир эса, юқорида айтганимиздек, 750 мингдан зиёд абонентга хизмат кўрсатилмоқда (диаграммага қаранг).

Хабарингиз бўлса, 2005 йилда бутун Ўзбекистон бўйлаб 400 та қўшимча базавий станция ўрнатиш бўйича "GSM" тармоғини кенгайтиришнинг иккинчи босқич ишлари бошланган эди. Ҳозир бу ишлар муваффақиятли якунланиб, "GSM" тармоғини республика миқёсида жадал кенгайтиришнинг учинчи босқичи бошланди (диаграммага қаранг). Қўшимча хизматлар ҳам эътибордан четда қолмаётир. Компаниянинг энг янги телекоммуникация технологияларини қандай жорий этишига қараб, уларнинг тури ҳам кўпайиб бормоқда. Бугуннинг ўзидаёқ бутун республикамиздаги барча абонентларимиз "GPRS" ва "MMS" хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Роуминг — ҳамкорлар сони ҳам кўпайиб бориб, 2006 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 156 тага етди.

**— Ҳозирги кунда "МТС"нинг барча тузилмаларида нуфузни ошириш, бинобарин, бренд ва маркетинг сиёсатини янгилаш жараёни кечмоқда. Шулар ҳақида ҳам батафсилроқ ҳикоя қилиб бера оласизми? Абонентларингиз ва мижозларингиз учун бренд қандай самара беради?**

— "МТС"нинг янгиланган бренди етакчиликни, бизнесга жўшқинлик билан ва янгиликларни кўзлаб ёндашишни ифодалайди. Ташқи ўзгаришлар, яъни янги логотип, фирма услуби, савдо офисларини жиҳозлаш компанияда юз бераётган ички ўзгаришларни акс эттиради. Улар негизида ривожлантиришнинг технологик моделидан мижозларга йўналтирилган моделига ўтиш ётади.

— Муфассал бренд учун танланган аниқ қарор замонавий технологияларнинг моҳиятини тўла очиб беради. Муфассал бренд "МТС" операторларига илгари барпо этиш мумкин бўлмаган юқори технологик хизматлардан, яъни Интернетга киришнинг ягона нуқтасидан, тезкор телефондан, ягона ҳисоб-китоб ҳамда хизматларни бошқаришнинг ягона интерфейсидан фойдаланиш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, истеъмолчи ягона ахборот маконига кириш имкониятига эга бўлади. Муфассал бренд "Телеком тизими" гуруҳи, шу жумладан, "МТС" компанияларига ҳам замонавий истеъмолчи алоқа хизмати олдига қўяётган энг юксак талабларга жавоб бера олиш имкониятини яратди", — дея таъкидлади "МТС" президенти Леонид Меламед.

"МТС" брендини янгилаш билан боғлиқ ўзгаришлар оператор хизмати кўрсатилаётган барча минтақаларни, абонентлар билан ўзаро алоқанинг ҳамма соҳаларини қамраб олди. Ҳозирданоқ янги шаклдаги тўлов карталари савдога чиқа бошлади. У эски дизайнлар тўла алмаштириб бўлингунча, улар билан баравар амал қилади. Реклама кампанияси ҳам иш бошлади. Унинг доирасида "МТС"нинг барча реклама ва ахборот материаллари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам янгиланади. Компаниянинг www.mts.uz. янгиланган сайти ҳам ишга тушди.

Компаниянинг янгича фалсафаси самимийлик, инсонийлик, ишончлилик ва оддийлик каби тушунчаларни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, компания мижозларга нисбатан алоҳида меҳр билан муносабатда бўлади. Бу ўзаро муносабатлардаги самимийликда, кўрсатилаётган хизматларнинг оддийлиги ва тушунарлилигида, ишончли ва сифатлилигида, шунингдек, мижозларнинг эҳтиёж ва муаммоларини тушунишда ўз ифодасини топади. Бинобарин, "МТС" томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар ушбу тушунчаларни ўзида намоён этди. "Биз маркетингга оид стратегиямизда иккита йўналишга алоҳида урғу берамиз, — деди "МТС"нинг маркетинг бўйича вице-президенти Гжегож Эш. — Биринчиси — маркетинг коммуникацияларини оддийлаштириш, абонентлар учун афзаллиги яққол бўлган ҳамда таклиф ва хизматларга мос оддий тарифларни яратиш. Иккинчиси — мижозлар билан мулоқот қилиш интерфейсини соддалаштириш. Масалан, сотиш офисларининг янги шакли уларни сотув салонига айлантиришни назарда тутади. Бу уларни мижозлар учун очиқ ва қулай қилади. Натижада, мижозлар ахборот олибгина қолмай, янги алоқа технологияси ва хизматини жойида тестдан ўтказишлари мумкин бўлади".

**— "МТС"ни ривожлантириш стратегиясининг ўзгариши муносабати билан яқин келажакда «Уздунробита»да қандай янгиликларни кутиш мумкин? Бу компаниянгиз фаолиятида қандай акс этади?**

— «Уздунробита» компанияси шу йил 15 июндан бошлаб «МТС» бренди остида ўз хизматларини таклиф этишга киришди. Ягона брендга ўтишнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, энди «МТС» тармоғи фаолият кўрсатаётган ҳудудда уяли алоқа ва хизматларнинг ягона сифат андозаси таъминланади. Бу йил биз ўз тармоқларимизда ҳамма ерда, айниқса, қишлоқ жойларда янада кенгайтириш ишларини давом эттиришни режалаштирдик. Агар илгари тармоқларимизни 50000 дан зиёд аҳоли яшайдиган жойларда ривожлантирган бўлсак, бу йил камроқ аҳоли истиқомат қиладиган жойларга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Шу тариқа компания кўплаб қишлоқ аҳолисига ўз хизматларини таклиф этади.

Шунингдек, республиканинг асосий автомагистралларини қамраб олиш ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш ҳам бизнинг устувор режаларимизга киритилган. Чунончи, 2006 йилнинг охиригача абонетларимиз сонини камида икки баравар ошириш ва база станцияларимизни анча кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. 2006 йил январда абонетларимиз 580000 бўлса, 2007 йил бошига бориб, уларни миллиондан ошириш режалаштирилган. Бироқ абонентлар сафини бу даражада кенгайтиришга фақат базавий станцияларни ҳам шунга яраша кўпайтириш ҳисобига эришиш мумкин. Бизнинг режаларимизга мувофиқ, ўрнатилган база станцияларимиз 2007 йилнинг бошига бориб, 1000 дан ошади.

Ўзбекистонда ребрендингга оид режалардаги асосий масала — пештоқдаги ёзувларни ўзгартириш эмас, балки абонетларга, жумладан, дилерларимиз томонидан хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даражасига чиқишдир. Компания яқин кунларда ягона умумреспублика CALL — марказ ёки маълумотлар хизматини ишга туширади. Бу марказ Тошкентда қурилган. Бироқ республиканинг ҳамма минтақаларидаги абонентларимизнинг маълумотнома тарзидаги барча қўнғироқларини қайта ишлайди ва юзага келаётган масалаларни тез ва самарали ҳал этишга ёрдам беради.

«Уздунробита» компанияси тармоғи очилганлигининг 15 йиллигигача, яъни шу йил август ойининг охиригача биз яна битта янгиликни тайёрлаймиз ва ишонамизки, у абонентларимиз томонидан муносиб баҳоланади.

**— «МТС-Ўзбекистон»ни ривожлантиришнинг узоқ муддатларга мўлжалланган режалари ҳақида нима дея оласиз?**

— Биз Ўзбекистоннинг уяли алоқа бозоридаги етакчилик мавқеимизни келажакда ҳам сақлаб қолмоқчимиз. Чунки, бутун дунёда уяли алоқа бозори гуркураб ривожланмоқда. Овоз ва маълумотларни узатиш технологиялари такомиллашиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўплаб Ғарб мамлакатларида бир қатор юқори сифатли алоқа хизмати турлари жорий этилган. Уяли алоқанинг (3G) учинчи авлод технологиясига ўтилгани шуни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг компаниямиз бундан буён ҳам 3Gга ўтишга қулай шароитлар яратиш учун технологияларни такомиллаштириш йўлидан бораверади. Зеро, тараққиёт ҳеч қачон бир ерда тўхтаб турмаганидек, эндиликда «МТС» бренди остида ишлаётган «Уздунробита» ҳам изланиш ва ривожланишда давом этаверади.

**Денис ФЕДОРЕЦ.**







Анжуман

# Атроф-муҳит мусаффолиги учун

Сўнгги йигирма йилда дунё иқлими кескин ўзгарди. Айниқса, ҳароратнинг йилдан-йилга кўтарилиб бориши турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Маълумотларга кўра, курраи заминнинг катта қисмида кузатилаётган чўлланиш ҳамда қурғоқчилик оқибатида 250 миллион киши азият чекаётир. Агар бу нарсанинг олди олинмас экан, дейилади БМТнинг атроф-муҳит дастури(ЮНЭП)да, яқин келажакда миллиарддан зиёд аҳолига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "2006 йил — Саҳро ва саҳроланишга қарши курашиш йили" деб эълон қилинган. Бугунгача чўлланиш 900 миллион гектардан ортиқ ерни бутунлай яроқсиз ҳолга келтирди. Ҳар йили 6,9 миллион гектар майдон қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлу биёбонга айланаяпти. Бундан кўрилаётган зарар, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 520 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Умуман бу ҳолат 100 дан ортиқ мамлакат ҳудудини қамраб олган. Ҳозирги кунда юртимиз ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, Орол денгизининг қуриши вазиятнинг янада кескинлашишига замин ҳозирлади. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм ерларининг катта қисми шўрланиб, тупроқ унумдорлиги анча пасайди. Маълумотларга кўра, юртимизда 2 миллион гектардан ортиқ майдон турли даражада шўрланган.

Яқинда "Экосан" халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган "Жамоатчилик, олимлар ва журналистларнинг саҳроланиш ва қурғоқчилик муаммоларини бартараф этишдаги роли" мавзуидаги учрашувда таъкидланганидек, Орол денгизи ўрнида ҳосил бўлган чўлнинг тарқалишига қарши кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Ўзбекистон-Германия қўшма лойиҳаси асосида 25 минг гектар ерга чўл ўсимликларининг экилиши дастлабки самарасини бермоқда. Яъни, илгариги очиқ майдондаги шамолнинг тезлиги 6 баробарга пасайган. Бу эса заҳарли тузларнинг кенг майдон бўйлаб тарқалишига бирмунча барҳам беради.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг масъул ходимлари ҳамда тупроқшунос олимлар иштирок этган учрашувда чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бугуннинг долзарб мавзуси эканлиги, шунингдек, бу жараённинг олдини олиш, ҳеч бўлмаганда, таъсирини камайтириш учун кўпроқ тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди. Айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан сувсизликка бардош берадиган ўсимликларни экиш лозим. Зотан, она-табиат томонидан инъом этилган барча неъматларнинг аҳамияти беқиёс. Демак, уларни сақлаб қолишга интилсак, келажак авлод олдидаги масъулиятни унутмаган бўламиз.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Гаровдагиларнинг тақдири номаълум



***Шу ойнинг бошида Бағдод шаҳрида Россиянинг тўрт нафар дипломати террорчи гуруҳ жангарилари томонидан гаровга олинганди. Ҳозирга қадар дипломатларни озод қилиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Жангарилар расмий Москвага Чечнистондан россиялик ҳарбийларнинг олиб чиқиб кетилишини ва мамлакат қамоқхоналаридаги барча террорчиларни озод қилишни талаб қилмоқда. Бунинг учун жангарилар 48 соат муҳлат берганди. Бу муҳлат ҳам тугади.***

***Россия Давлат Думасининг халқаро масалалар бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Владимир Слуцкийнинг журналистларга маълум қилишича, россиялик дипломатлар ҳозирча тирик. Россия Ташқи ишлари вазирлиги ҳозирча жангарилар талабини рад этганича йўқ. Вазирлик раҳбари Сергей Лавров гаровдагиларни соғ-саломат озод қилиш учун барча чоралар кўрилаётганини билдирди.***

## Уюшган жиноятчилар қамоқда



***Италия полицияси мафияга алоқадорликда гумон қилиб, 45 нафар кишини қамоққа олди. Ҳуқуқ-тартибот идораси вакилининг сўзларига қараганда, уларнинг 13 нафари мафия етакчиларидир. Манбада айтилишича, ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатга ҳали ҳам катта таъсир кўрсатаётган Сицилия мафиясини йўқ қилишга қаратилган.***

***Қамоққа олинганларнинг барчаси мафияга алоқадорликда ва зўравонликларни амалга оширганликда айбланишмоқда. Италия прокуратураси вакили Пьеро Грассо қўлга киритилган далиллар ва гувоҳликлар уюшган жиноятчилар орасида ҳозирда мамлакатдаги машҳур сиёсатчилар ҳамда тадбиркорлар ҳам борлигини билдирди.***

## Элчи жосусликда айбланаяпти

***Туркманистон ҳукумати мамлакатдаги Франция элчихонасининг маданият ишлари бўйича атташеси Анри Томассини ва ЕХҲТ ваколатхонаси ходими Бенжамен Морони махфий равишда фаолият юритганликда айбламоқда. Ички ишлар вазири Гелдимуҳаммад Аширмуҳаммедовнинг маҳаллий телевидение орқали қилган чиқишида маълум қилишича, элчихона ходими яширин ҳолатда қамоқхоналарни ва ҳарбий объектларни камера ёрдамида тасвирга туширган. Унинг сўзларига қараганда, тўпланган материалларни Туркманистонга сайёҳ сифатида ташриф буюрган Буюк Британия ва Франция фуқароларига етказишлари керак бўлган.***

***Франция элчихонаси мазкур вазиятга изоҳ беришни рад этди.***

## Англия бозорини эгаллаш мақсадида



***Россиянинг «Газпром» компанияси Данияга 2011 йилга қадар газ етказиб бериш юзасидан «ДОНГ» компанияси билан шартнома имзолади. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, Россия тарафи яқин йигирма йил давомида Данияга йилига 1 миллиард кубометр газ етказиб беришни режалаштираяпти. Маълумки, «ДОНГ» бир пайтнинг ўзида Буюк Британияга ҳам газ сотади. «Газпром» ушбу компания билан шартнома имзолаш орқали, Англия ёнилғи бозорини ҳам эгаллаш ниятида.***

***Айни пайтда Болтиқ денгизи тагидан қурилаётган нефть қувури ишга туширилгач, шартнома кучга киради. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, Европа Иттифоқига етказиб берилаётган газнинг тўртдан бири Россия ҳиссасига тўғри келади. Болтиқ денгизи орқали ўтадиган қувур ҳам ишга тушса, бу кўрсаткич янада ўсиши мумкин.***

## Диктатор Гаагага келтирилди



***Либериянинг собиқ диктатори Чарльз Тейлор БМТ самолётида Нидерландияга келтирилди. Энди собиқ етакчи бу ердан Гаага халқаро суди қамоқхонасига олиб келинади. Тейлор мамлакатга қўшни бўлган Сьерра-Леонедаги тинч аҳолига нисбатан қарши жиноятлар амалга оширганликда айбланмоқда. Мазкур мамлакат 1991-2002 йилларда фуқаролар урушини бошдан кечирди ва унда бир неча ўн минглаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Гумон қилинишича, Чарльз Тейлор ушбу мамлакатдаги жангариларни қўллаб-қувватлаб турган. Бундан ташқари, Либериянинг собиқ етакчиси аҳолини оммавий қирғин қилганликда, зўравонлик ҳамда болалардан ҳарбий аскар сифатида фойдаланганликда айбланаяпти.***

***Эслатиб ўтиш жоизки, 2003 йилда мамлакат пойтахти Монровийни исёнчилар ўраб олгандан сўнг, Тейлор Нигерияга кўчиб ўтганди. Бироқ, жорий йил март ойида Гаага трибунали ордерига мувофиқ Сьерра-Леонеда қўлга олинганди.***

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*



*Дунё шаҳарлари. Мюнхен.*

Мустақиллик иншоотлари

# КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИДАГИ




***Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳри тобора чирой очмоқда. Муҳташам маданий ва маиший бинолар, шинам коллеж ва лицейлар, тиббиёт муассасалари, туражойлар ҳамда соя-салқин боғ ва хиёбонлар унинг кўркига кўрк қўшмоқда.***

Шаҳарнинг транспорт-коммуникация тизимида ўнга яқин транспорт тоннели, қарийб ўттизта йўл ўтказгич, ўттиз тўрт ер ости йўли, элликта пиёдалар ўтиш ва тўқсондан ортиқ автомобиль йўли кўприклари мавжуд. Улар аҳоли ва транспорт йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш баробарида, йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Тошкент кичик ҳалқа йўли — пойтахтимизда транспорт қатновини яхшилаш, ҳайдовчи ва йўловчиларга янада кенгроқ қулайлик яратиш учун барпо этилган ана шундай замонавий иншоотлардандир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қуриб битказилган бу йўлнинг Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари туташадиган қисмида эни 40, узунлиги 75 метрлик кўприк бунёд этилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Кичик ҳалқа йўлини қуришдан кўзланган мақсад шаҳ‌о бўйлаб узлуксиз ҳарака‌ланиш имкониятини ярат‌шдан иборат.

Чилонзор тумани ҳудудидан ўтган Кичик ҳалқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчаси билан кесишадиган жойида бундан бир ой муқаддам қурилиши бошланган кўприк ана шу мақсад йўлида амалга оширилаётган навбатдаги қурилиш объектидир. Уни "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Автомагистрал" ихтисослашган автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси ишчи-хизматчилари кўприк қурилишига ихтисослашган бошқа ташкилотлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда бунёд этмоқда.

— Янги кўприк остига бетон ётқизиш ва устунлар ўрнатиш ишлари якунланди, — дейди бирлашманинг кўприк қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сергей Антошенко. — Айни пайтда устунларга 18, 24 метрли бетон плиталар монтаж қилинмоқда. Кундан-кун қад ростлаётган мазкур иншоот атрофини кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Кўприк қурилиш тресги 13-кўприк қурилиш жамланмаси бош муҳандиси Чори Назаровнинг айтишича, бу ерда 200 нафардан ортиқ малакали кўприксоз икки сменада меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли ишлаши ва дам олиши учун зарур шароит яратилган. Қурилиш материаллари ўз вақтида, пешма-пеш етказиб берилаяпти. Олтмишга яқин машина ва механизм маромида ишлаб турибди.

"Йўл лойиҳа бюроси" шўъба корхонаси ва "ТошкентбошпланЛИТИ" лойиҳалаш институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида барпо этилаётган мазкур иншоот қурилишига Фарғона автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси ҳамда Қўқон махсус йўл ва кўприк қурилиши пудрат корхонасининг ҳам тажрибали қурувчилари жалб этилган.

— Йигирма йилдан бери пайвандчи бўлиб ишлайман, — дейди фарғоналик Сулаймон Жўрабоев. — Кўп қурилишларда, жумладан, Жиззахдаги Сангзор дарёси устидан ўтган ва Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Оқсоқота сойи устидан ўтган кўприк қурилишларида қатнашганман. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, кўнглим қувонади. Ана шундай савобли ишларга ҳисса қўшиш бахти насиб этганига шукр.

Янги кўприк қурилаётган мазкур чорраҳа яқинида Чилонзор деҳқон бозори, педагогика коллежи, шифохона, кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда кўп қаватли туражой бинолари жойлашган. Бундан ташқари, метро бекати ҳамда пиёдалар ер ости ўтиш жойи мавжуд. Саккиз қатор йўналишдаги кўчалар шу ерда кесишади. Бир сўз билан айтганда, илгари аҳоли гавжум ердан ҳар куни минглаб транспорт воситалари ўтиб, транспорт тиғизлигини вужудга келтирар, ортиқча ёқилғи сарфланиши ва атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Эни 30, баландлиги қарийб 7,5 метр, узунлиги эса 350 метрдан зиёд бўлган мазкур иншоотнинг фойдаланишга топширилиши билан бу муаммолар барҳам топади. Ушбу кўприк ва кўприк ости йўлидан олти қатордан транспорт воситалари тез ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, тараққиётнинг белгиловчи омиллари кўп, лекин уларнинг энг муҳимларидан бири мукаммал коммуникация тизимини яратишдан бошланади. Бу тизимнинг ҳаётбахшлигини эса мамлакатимизда кўпайиб бораётган ана шундай замон талабларига мос муҳташам кўприклар таъминлайди.



**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

---

Бозор сабоқлари

*Қашқадарё вилоятида 2005 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 фоизга ошди, ялпи ички маҳсулот ҳажмида эса саноатнинг улуши 2002 йилдаги 18 фоиздан 29,6 фоизга етди. Бугунги кунда меҳнатга яроқли аҳолининг 7,2 фоизи саноат корхоналарида бандлиги, айниқса, воҳа учун жуда юқори кўрсаткич, албатта.*

*Бундай ютуқлар ҳақида гапирганда, аввало, мамлакатимизнинг нефть, газ ва кимё саноати гигантлари — Муборак газни қайта ишлаш заводи,«Шўртангазкимё» мажмуи, «Шўртаннефтгаз», «Муборакнефтгаз» унитар корхоналари шу вилоятда жойлашганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ўтган йили бу корхоналарда 57,9 миллиард кубометр газ, 3,2 миллион тонна нефть, 2 миллион тонна конденсат, 116,8 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарилди.*

## Саноат ишлаб чиқариши:

# НИЯТ, ИЖРО, ИМКОНИЯТ

**Қ**олаверса, якунланган йилда саноат корхоналари тармоғини кенгайтириш, мавжуд корхоналарни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсат изчил амалга оширилди. Маҳаллий хомашё билан ишлайдиган корхоналарнинг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Бир йилда 180 дан ортиқ саноат корхоналари ташкил этилиб, уларнинг жами сони 1410 тадан ортгани шундан далолат беради.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишга эътибор қаратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, бултур Қарши шаҳридаги «Cotton Road» қўшма корхонасига 2878,7 минг, «Дунё-М» очиқ ҳиссадорлик жамиятига 664,2 минг, Ғузор туманидаги «Guzarflour» қўшма корхонасига 945 минг, Чироқчи туманидаги «Жавхон-ТД» корхонасига 307,8 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилди. Хориж сармояси ва вилоят маблағлари ҳисобига эса 15 та корхона замонавий технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ўз навбатида, маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш имконини бермоқда. Мисол учун, йил давомида 32 турдаги саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда ўсишга эришилди. Ўсиш даражаси, айтайлик, алкоголсиз ичимликлар бўйича 66,2 фоизни, ғишт ишлаб чиқаришда 54,4, темир-бетон буюмлари тайёрлашда 33,8, кийим-кечак ва пахта толаси бўйича эса тегишлича 45,1 ва 13,1 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, 15 турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Алюминий эшик ва дераза ромлари, янги русумдаги мебеллар, пластмасса қувурлар, безакли ғиштлар, пайпоқлар, чинни буюмлар, пиво ва бошқа маҳсулотлар шулар сирасига киради.

Кўриниб турибдики, енгил саноат ва қурилиш индустриясида ўсиш даражаси юқори. Аниқроғи, 2004 йилда енгил саноат корхоналарида 146062,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 173587,6 миллион сўмликка етди ёки 109,4 фоиз ўсишга эришилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда эса ўсиш даражаси бундан ҳам юқори — 124,8 фоиз бўлди.

Вилоят ҳудудидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам қувонарлидир. Хусусан, 2002 йилда ёнилғи-энергетика корхоналари 208,2 минг, енгил саноат корхоналари 89036,7 минг, қурилиш индустрияси 8,3 минг доллар миқдоридаги маҳсулотни чет элга сотган бўлса, 2005 йилда экспорт ҳажми ёнилғи-энергетика соҳасида 5549,1 минг, енгил саноатда 190209,9 минг, қурилиш материаллари бўйича 70,6 минг АҚШ долларига етказилди.

Замонавий технологияларни жорий этиш туфайли, табиийки меҳнат унумдорлиги ошиб, ишлаб чиқариш харажатлари камаймоқда. Натижада 2005 йилда саноат корхоналари 2004 йилдагига нисбатан 44,6 фоиз кўп фойда олди. Бу фойда, яъни 113,7 миллиард сўм маблағ эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва соҳада меҳнат қилаётган ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга сарфланмоқда.

Янги корхоналар ташкил этиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига саноат соҳасида ишлаб турган ходимлар сони яна 5700 тага кўпайганлиги ҳам ижобий ҳолдир.

Шу билан бирга, вилоятда ҳали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг катта захиралари борлиги ҳам сир эмас. Бошқача айтганда, Қашқадарё нафақат қишлоқ хўжалиги ва ёнилғи-энергетика соҳасида, балки саноат маҳсулотларининг барча турлари бўйича ҳам мамлакатда етакчи ўринга чиқиб олиш имкониятига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой-тўқимачи ЛТД» ва «Кумуш» қўшма корхоналари, «Шаҳрисабзконсерва», «Шаҳрисабз шароб-ароқ», Китоб туманидаги «Китобипйигирув», Қарши шаҳридаги «Санам» очиқ ҳиссадорлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб, уларнинг инқирозга юз тутгани ачинарлидир. Ҳолбуки, бу корхоналарнинг вилоят иқтисодиётида салмоқли ўрни бор.

**Б**ир мисол. Вилоятда жами етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг атиги 19 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. Шунга қарамасдан, ўтган йили «Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш қувватларидан 25 фоиз фойдаланилди, холос. Қарши туманидаги «Олтин мева» корхонаси эса мутлақо фаолият кўрсатмади — йилига 1200 тонна томат пастаси, 700 тонна мева ва узум шарбати ишлаб чиқаришга қодир бўлган хориж технологиясининг умри бекорга ўтди.

Бир вақтлар ўз маҳсулотлари билан нафақат вилоятимизда, балки чет элларда ҳам танилган «Момиқ» фабрикаси эса бугунги кунда банкротлик ҳолатига келиб қолганига нима дейсиз? Қамаши туманидаги бу корхона хорижга маҳсулот экспорт қилиш у ёқда турсин, ҳатто мавжуд ишчи кучини сақлаб қолиш лаёқатини ҳам йўқотмоқда. Қарши шаҳридаги «Қаршисут» ҳиссадорлик жамияти ҳам ўзининг анъанавий мавқеини батамом барбод қилди. Бугунги кунда озиқ-овқат дўконлари пештахталарини тўлдириб турган хилма-хил сут маҳсулотлари орасида «Қаршисут» корхонасининг маҳсулотини деярли учратмайсиз.

Энди ўзингиз айтинг: уларнинг фаолиятини кучайтириш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг муҳим омили эмасми? Вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Собир Саидовнинг айтишича, 2005 йилда мулкида давлат улуши бўлган ва илгари хусусийлаштирилган 393 та корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи таҳлил қилинган. Шу асосда 31 та иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхонани молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш бўйича минтақавий дастур ишлаб чиқилиб, уни бажариш юзасидан муайян ишлар олиб борилди.Жумладан, минтақавий дастурга асосан, молиявий соғломлаштириш белгиланган 22 та корхонадан 16 тасида ижобий натижаларга эришилди. Ушбу корхоналарнинг 1,4 миллиард сўмлик дебиторлик қарзлари ундирилиб, 2,1 миллиард сўмлик кредиторлик қарзлари тўланди ва 1,6 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Натижада 108 та янги иш ўрни яратилиб, 212 та эски иш ўрни тикланди. Минтақавий дастурда белгиланган молиявий соғломлаштириш тадбирлари ҳам 6 та корхонада тўлиқ амалга оширилмади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу корхоналар иқтисодий ночорлигининг асосий сабаби маркетинг хизматининг етарли йўлга қўйилмаганлиги ва раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олмаётганлигидир. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги «Кумуш» қўшма корхонаси ипак толаси нархининг жаҳон бозоридаги ўзгариш тенденциясини ўз вақтида ҳис қилмаслик, чет эллик ҳамкорлар билан истиқболли, узоққа мўлжалланган шартномалар тузишни йўлга қўймаслик оқибатида иқтисодий инқирозга учраган.

Шу боис банкротлик таомили қўлланилган корхоналарни тугатишда тегишли мулкни ишончли инвесторларга сотиш орқали уларни рақобатбардош ишлаб чиқариш субъектига айлантириш чоралари кўрилмоқда. Шаҳрисабз туманидаги банкрот бўлган «Кристалл» корхонасининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча мулкини сотиб олган «Амазонит» ялтироқ тошлари» масъулияти чекланган жамияти эса ҳозирги кунда қимматбаҳо металл ва тошлар билан ишлаш учун лизенция олиб, россиялик ҳамкорлар иштирокида қўшма корхона тузиш устида иш олиб бормоқда.

**В**илоят ҳокимлиги томонидан саноатни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ, 2006 йилда тармоқда ўсиш суръати 107 фоизга етказилиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмида унинг улуши ўтган йилдаги 29,6 фоиздан 32 фоизга кўтарилади. Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун 23,8 миллиард сўм инвестиция киритилади.

Саноатни ривожлантиришда, шунингдек, асосий эътибор мавжуд хомашёни қайта ишлашга қаратилади. Ўтган йили вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 19 фоизи қайта ишланган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 26 фоизга етказилади.

Қашқадарё саноатининг ўтган йилги ривожланиш мароми ва йил бошидаги дастлабки натижалар бу режаларнинг амалга ошишига ишонч туғдирмоқда. Вилоят маркази — Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Буюк соҳибқирон Амир Темур туғилганининг 670 йиллиги нишонланадиган йилда бу ютуқлар янада кўпайиши кўнгилларни хушнуд этади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---



«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Газетамизнинг шу йил 8 апрель сонида «Ўзгаришлар кўзга ташланяпти» ва «Янгилик қулайлик туғдирсин» ҳамда 20 апрель сонида «Йўловчи, автобус, бекат атрофидаги муаммо ва ҳангомалар» сарлавҳали мақолалар чоп этилган эди. Уларда шаҳар ижтимоий ҳаётининг долзарб муаммоси — жамоат транспортининг иши, унда кўрсатилаётган хизмат маданияти, бекатлар ва шоҳбекатларнинг ҳолати ҳақида фикр юритилганди. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустранс» АК директори Т.ДАДАБОЕВ имзоси билан мазкур мақолалар юзасидан таҳририятимизга расмий жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақолалар Тошкент шаҳар ҳокимиятида ўтказилган йиғилишда, шунингдек, уюшма тизимидаги транспорт корхоналари раҳбарларининг йиғинида атрофлича муҳокама қилинди. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан шаҳардаги мавжуд 80 та шоҳбекат текширилиб, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

*«Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси томонидан хизмат кўрсатилаётган йўналишларда йўловчи ташишда фойдаланилаётган 1439 та автобуснинг ҳаммаси санитар текширувдан ўтказилди. 1234 та автобус салонларидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган ўриндиқлар қайта таъмирланди. Улардаги ҳар хил ёзувлар ўчирилди. Бироқ йўловчилар томонидан транспорт воситаларига бу каби шикаст етказишлар давом этаётгани ачинарли ҳолдир.*

*Бугунги кунда, шунингдек, автобус салонларидаги мавжуд овоз кучайтириш мосламаларини таъмирлаш масаласи ҳал этилмоқда. Ҳайдовчи ва чиптачиларни ишга қабул қилиш автокорхоналарда тузилган махсус ҳайъат суҳбатидан сўнг амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамай айрим ҳайдовчи ва чиптачилар бугунги кун талабида ишлай олмаяптилар. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 248 нафар ҳайдовчи ва 133 нафар чиптачи билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Ҳайдовчи ва чиптачилар билан қўшимча йўриқномалар ўтказилиб, «йўловчи, ҳайдовчи ва чиптачи» муомала маданиятига эътибор бериш ҳақида уқтирилди.*

*Шуларни инобатга олиб, бундан буён ҳам газета саҳифаларида ҳар икки томон ютуқ ва камчиликлари ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга мақолалар чоп этиб борилади, деб умид қиламиз».*

---

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни...) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал-юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўлқурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ-хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



*Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.*

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS


ГАЗ-31105, «ВОЛГА»


ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли


ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли



ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн, 2 ўриндиқли


ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли


ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА


ГАЗ-3307 Автоэвакуатор


ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА



«Абитуриент — 2006»

# Кириш имтиҳонлари қандай ўтади?

*Навбатдаги ўқув йили ниҳоясига етди. Яна бир янги авлод катта ҳаётга қадам қўймоқда. Минглаб мактаб битирувчиларининг қалбида илму ҳунар эгаллаб, элига нафи тегадиган инсон бўлиб етишиш истаги жўш ураётир. Яқинда Президентимизнинг "2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида ана шу муҳим жараёнга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.*

**— Бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сонларини белгилашда нималарга эътибор қаратилди?**

— Бу йилги умумий қабул сони олдинги мавсумга нисбатан 1329 тага кўпайтирилди, яъни 63769 та этиб белгиланди. Жумладан, кундузги бўлим бўйича бакалавр тайёрлашга 51604 ўрин ажратилган бўлса, магистратураларга 6500 талаба қабул қилинади.

Бунда республикамизда телекоммуникация, компьютер, ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги соҳаларида мутахассисларга бўлган эҳтиёж инобатга олинди. Шунингдек, мутахассислар тайёрлашда қайта такрорланишларни бартараф этиш, академик гуруҳларнинг тўлиқлигини таъминлашга эътибор қаратилди.

**— Бу йилги қабул имтиҳонларида қандай ўзгариш ёки янгиликлар жорий этилади?**

— Асосий янгиликлардан бири шуки, *эндиликда тест саволларига бешта эмас, тўртта муқобил жавоб берилади.* Яъни, тўртта жавобдан биттаси тўғри бўлади. Ўтган йилги танлов таҳлилига асосан, олий таълим муассасаларининг моддий ва илмий салоҳиятидан келиб чиқиб айрим йўналишларда қабул квоталари кўпайтирилди. Жумладан, аёллар спорти мутахассисларини тайёрлаш учун алоҳида квоталар белгиланган. Бу эса мамлакатимизда болалар ва аёллар спортини ривожлантириш, омма орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги эзгу мақсадларга тўла мос келади.

Хабарингиз бор, сўнгги йилларда юртимизда транспорт, меҳмонхона хўжалиги, сервис ва туризмга катта эътибор бериляпти. Мазкур соҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун янги таълим йўналишлари киритилган. Шунингдек, Ўзбекистон миллий университетида "Нутқ маданияти ва нотиқлик" ҳамда "Биоинформатика" йўналишлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсиономасига эга фуқароларга тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Фурсати келганда эслатиб ўтай, улар учун тест имтиҳонлари 10 июлда бўлиб ўтади.

**— Олий таълим муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришга йўналтирилган таҳлилни ўтказишдан мақсад нима?**

— Ушбу талабни юртимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар чуқур мулоҳазакорлик билан амалга оширилаётганига яна бир мисол дейиш мумкин. Негаки, таҳлил ўтказмай туриб, қаерда қандай мутахассисга эҳтиёж борлигини, давр қайси касбларни талаб қилаётганини ва улар қанча бўлиши кераклигини аниқлаб бўлмайди. Олий таълим муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришга йўналтирилган таҳлиллар эса бу борада ишончли хулосалар чиқаришда ёрдам беради. Унга кўра, қабул сонлари олий ўқув юртлари битирувчиларининг буюртмачилари бўлган вазирликлар, ташкилотлар иштирокида реал ва истиқболдаги талабга мувофиқ режалаштирилади.

Хусусан, сўнгги йилларда абитуриентлар сони бўйича ўтказилган таҳлиллар ёшларнинг ўқишга, малакали мутахассис бўлишга қизиқиши тобора ортиб бораётганини кўрсатди. Масалан, 2003 йилда олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжат топширганлар сони 223 минг 245 нафарни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсатгич 249 мингдан ортган. Ўтган йили эса абитуриентлар сони 283 мингтага етган. Шундан келиб чиқиб бу йилги қабул сони кўпайтирилди.

**— Сиртқи бўлимларга талаб қай даражада? Бу борада нималар қилинмоқда?**

— Бу йил республикамизнинг 21 олий ўқув юртларида махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилган бўлиб, уларга жами 5665 киши қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Таъкидлаш жоиз, бу ўтган йилгидан 600 та кўп. Негаки, қисқартирилган муддатда, асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш истагида бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. Улар учун кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини тайёрлашга квоталар оширилган.

**— Қандай ҳолларда қабул кўрсаткичларига ўзгартириш киритилади?**

— Бу тест натижаларига боғлиқ. Яъни, ўқишга кирганлар сони аниқ бўлгандан кейин таълим йўналишларидаги мутаносибликни таъминлаш мақсадида қабул кўрсаткичига ўзгартириш киритилиши мумкин. Масалан, йўналиши бир-бирига яқин бўлимлар ўртасида ёки тиллар бўйича алмашинувлар амалга оширилади. Лекин қабул квоталари ўзгармайди.

**— Аудитория назоратчилари ва ишчи гуруҳи аъзолари қандай тайёрланади?**

— Бу олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири. Чунки тест синовларининг тартибли ва адолатли ўтиши айнан шунга боғлиқ. Имтиҳонлар жараёнида Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ҳамда назоратчилари тегишли вазирлик ва ташкилотлардан танлаб олинади. Келгуси ойда уларга ўқув-семинарлар ташкил этилиб, зарур кўрсатмалар берилади.

**"Халқ сўзи" мухбири Анвар САМАДОВ суҳбатлашди.**

# Жалолиддин Мангуберди ҳақида китоб



***Халқимизнинг буюк ўғлонига бағишланган ноёб асар "Сирот ус-султон Жалолуддин Менкбурни" ("Султон Жалолуддин Менкбурнининг таржимаи ҳоли") деб номланади. Уни ватандошимиз Шиҳобуддин Муҳаммад Нисовий ёзган. Муаррихнинг тўлиқ исми Шиҳобуддин ибн Аҳмад ибн Али Муҳаммад Нисовийдир.***

Тарихчининг отаси Хоразмшоҳларнинг эътиборли амирларидан бири, Нисо вилоятига қарашли Хурандиз қалъасининг ҳокими бўлган. Отаси вафот этгач, унинг мол-мулки ва мансаби ўғлига ўтган. Ўғил кўп йиллар мобайнида Нисо вилояти ҳокими Нусратуддин Ҳамзанинг ноиби вазифасида ишлаган. Нашжувон (Нисодаги катта қишлоқлардан бири) ҳамда ал-Ҳалқа (Журжон қишлоқларидан)да мўғуллар билан бўлган жангларда шахсан иштирок этган. Сўнг Астробод вилоятларидан Кабуд жома (ҳозирги номи Ҳожилар) ҳокими Имом уд-давла Нусратуддин Муҳаммад ҳузурига келган ва унинг ёрдами билан яна Нисога қайтишга муваффақ бўлган. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, Нисода ўзаро феодал урушлари кучайиб кетганлиги сабабли у Ироққа кетиб қолади ва 1224 йили Султон Жалолуддин Менкбурни хизматига кириб, унинг котиби лавозимига тайинланади. Ушбу лавозимда 1231 йилгача, яъни султоннинг ўлимига қадар хизмат қилади.

Шиҳобуддин Муҳаммад ан-Нисовийнинг Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг мўғул истилоси давридаги (1220-1231) ижтимоий-сиёсий аҳволидан баҳс юритувчи юқоридаги асари 1241 йилда Халабда ёзилган бўлиб, мемуар-хотира-ёднома жанрига хосдир.

**Дунёнинг хазинаси**

Китоб муқаддима ва 108 бобдан иборат. I-IV бобларда мўғул-татарлар, Чингизхоннинг келиб чиқиши ва хон бўлиб кўтарилиши ихчам тарзда баён этилган.

V-XXII боблар хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

XXIII бобдан бошлаб то асар охиригача мўғул истилоси ва хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг фожиали тақдири, султон Жалолуддиннинг ҳаёти ва кураши, ҳалокати ҳикоя қилинади.

Асарнинг 1224-1231 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олган боблари алоҳида тарихий аҳамиятга эга. Чунки уларнинг аксариятида муаллифнинг иштироки бор. Шунинг учун ҳам китоб тарихчи олимлар эътиборини тортиб келмоқда. Ундан ўтмишдаги муаррихлардан ал-Футувватий, Ибн Халдун, Бадруддин Айнийлар ҳам қимматли манба сифатида фойдаланганлар. Бугунги шарқшунослар ҳам ўша даврга оид изланишларида унга мурожаат этиб турадилар.

Асарнинг арабча матни французча таржимаси билан 1891-95 йилларда Парижда ва Қоҳирада чоп қилинган. Қисқартирилган туркча (таржимонлар Юсуф Зиё, Аҳмад Тавҳид) ва форсча (таржимонлар Муҳаммад Али Носиҳ, Мужтаб Миновий) таржималари мавжуд. Китобнинг туркманлар ва Туркманистоннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволидан сўзловчи қисми рус тилида С.Волин таржимасида босмадан чиққан. С Буниятов эса тўлиқ ҳолда аввал Бокуда, кейин рус тилига ўгириб, илмий изоҳлар билан Москвада чоп эттирган.

**А. АБДУРАИМОВ, ЎзМУ профессори.**

# Вьетнамдан медаллар билан

8 — 20 июнь кунлари Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашган ўзбекистонлик боксчилар Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Қитъанинг йигирмага яқин мамлакати «чарм қўлқоп» усталари қатнашган чемпионатда мураббий Марат Қурбонбоев бошчилигидаги ўн нафар ёш боксчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Бухоролик Азамат Эргашев ва фарғоналик Зоҳиджон Султоновлар ўз вазн тоифасидаги барча рақибларини енгиб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Беш нафар боксчимиз кумуш, икки нафар боксчимиз эса бронза медалларини қўлга киритди.

**З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




# Аёллар спартакиадаси

*истеъдодларни кашф этади*

Яқинда Қарши шаҳрида ўтказилган 2-республика аёллар спартакиадасида қатнашдик. Бизда энг катта таассурот қолдиргани спартакиаданинг очилиш маросими бўлди. Талаба ёшлару жажжи болажонларнинг бадиий чиқишлари, театрлаштирилган томошалар, ҳаммасидан ҳам оппоқ от устидаги оппоқ кийинган қизчанинг қўлидаги машъалани дор устида муаллақ турган дорбоз қизга узатиши, машъаланинг лангарчўпда олиб юрилиши барчани ҳайратлантириб юборди.

Спортнинг ҳар бир тури бўйича ўтказилган беллашувлар ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Биз, самарқандликлар иккита кумуш медаль совриндори бўлдик. Лекин гап ғолибликда, мукофот ёки совринда эмас. Асосийси, мустақил юртимизда аёллар спортига катта эътибор қаратилаётганида.

Биламизки, жисмонан соғлом инсонгина соғлом фикрлайди. Юртимизнинг порлоқ келажаги ҳам ана шундай соғлом фикрли йигит ва қизларимизга боғлиқ. Маҳалламизда ўтказиладиган кўплаб спорт мусобақаларида оилавий тарзда қатнашамиз. Фарзандларимиз ғолиблик нашидасини сурганда дилдан қувонамиз, кўнгилларимиз яйрайди.

Қаршида, спартакиада мусобақаларида иштирок этиш чоғида қизларимиз, аёлларимиз ўртасида қанчадан-қанча моҳир спортчилар борлигининг гувоҳи бўлдик. Улар, албатта, мамлакатимиз шарафини бутун оламга ёядиган гўзал маликаларимиз, юртимизда соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган опаларимиз, сингилларимиз, қизларимиздир.

**Роза КУРМАШЕВА, Феруза АДЖЕВЕЛИЕВА, Аёллар спартакиадаси совриндорлари.**
Самарқанд вилояти.

ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ НОМИДАГИ
ЎЗБЕК-ҲИНД АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ
қуйидаги йўналишлар бўйича ўқув курсларига қабул эълон қилади:
- ахборот технологиялари бўйича бошланғич курс (144 соат/ 6 ҳафта);
- ахборот технологиялари бўйича мукаммаллашган курс (288 соат /12 ҳафта);
- бизнесда компьютерлаштиришни қўллаш бўйича курс (288 соат /12 ҳафта);
- Веб технологиялар курси (288 соат /12 ҳафта);
- Linux операцион системаси курси (288 соат /12 ҳафта).
*Ўқув курсларини Ҳиндистоннинг C-DAC ташкилоти ўқитувчилари инглиз тилида олиб боради. Ўқув курсини тугатганларга C-DAC ташкилоти ва ТАТУ номидан махсус диплом берилади. Ўқув курсининг бошланиш муддати — 2006 йил 26 июнь.*
Ўқув курсининг мазмуни ва тўлов масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 700084, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй, Жавоҳарлал Неру номидаги ўзбек-ҳинд ахборот технологиялари маркази.
Телефон: (99 871) 135-08-43.
E-mail: saidiev@tuit.uz
2823R/1115

Юртимизнинг азиз фуқаролари ва меҳмонлари!
2006 йил 12 июндан бошлаб, ҳафтада бир марта, душанба кунлари 322 рақамли
«Нукус—Алмати—2»
йўловчи поезди
ҳаракатланишни бошлади.
Чипталарни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ кассаларидан поезд жўнашидан 20 кун аввал харид қилишингиз мумкин.

Телефон: 199—76—27.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.

ELUS
НАУЧНО-ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ,
являющееся специализированным предприятием по производству высоковольтного оборудования, принимает заказы на изготовление:

- ТРАНСФОРМАТОРОВ силовых масляных (2- и 3-обмоточных) мощностью от 25 кВА до 25000 кВА на напряжение 6-10 кВ, 35 кВ, 110 кВ;
- КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ столбовых типа КТП мощностью от 25 кВА до 250 кВА на напряжение 6-10 кВ;
- ГОРОДСКИХ КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа ГКТП (2 ГКТП) мощностью от 160 кВА до 630 кВА на напряжение 6-10 кВ;
- КОМПЛЕКТНЫХ ТРАНСФОРМАТОРНЫХ ПОДСТАНЦИЙ типа КТП (2 КТП) мощностью от 250 кВА до 2500 кВА на напряжение 6-10 кВ;
- КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КРУН-10 (КРУВ-10) типа К-59 МЭ;
- КОМПЛЕКТНЫХ РАСПРЕДУСТРОЙСТВ КМ-1Ф (М); К-104 МЭ с вакуумным выключателем;
- КАМЕР СБОРНЫХ серии КСО различных модификаций;
- РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РВО и РЛНД на 10 кВ (200 А, 400 А, 630 А);
- РАЗЪЕДИНИТЕЛЕЙ РДЗ на 35 кВ, 110 кВ, 220 кВ, (1000 А, 2000 А);
- ЗАЗЕМЛИТЕЛЯ ЗОН-110 (М), блоков С-35 на напряжение 35 кВ;
- ТРАНСФОРМАТОРОВ однофазных ОМП мощностью от 1,25 до 10 кВА на напряжение 6-10 кВА;
- ТРАНСФОРМАТОРОВ тока ТФЗМ-35 кВ, ТФЗМ-110 кВ, ТФЗМ-220 кВ.
НА ВЫПУСКАЕМУЮ ПРОДУКЦИЮ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ.


* Аттестат аккредитации испытательной лаборатории (центра) № UZ.AMT.07.MAI 525 от 2.09.2005 г.
*Готовы рассмотреть любые ваши предложения по поставкам низковольтного и высоковольтного оборудования.*
На поставляемую продукцию предоставляется гарантия. Предприятие располагает собственным конструкторским бюро и аккредитованным испытательным центром по проведению сертификационных испытаний.
ТОВАР ПОД ЗАКАЗ
Адрес Ташкентского представительства НПП «ЭЛУС»: г. Ташкент, ул. Муртазаева, 8. Тел.: 134-17-12, 134-97-16. Факс 134-17-20.
Адрес завода: г. Чирчик, Юмалак, ул. Рамазан, 109 а. Тел. (8-271) 3-05-82. Факс (8-271) 3-05-83.

MANNESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Матбуот бўлинмаси бошлиғи подполковник Анвархўжа Сулаймонхўжаевга волидаи муҳтарамаси
**ТОЖИХОН онанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги жамоаси Ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни эълон қилиш бўлими бошлиғи Дилдора Кучаровага турмуш ўртоғи
**Тўлқин КУЧАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Янги авлод дарсликлари ва ўқув методик адабиётлар яратиш бўлими бош мутахассиси
**Тўлқин Уролович КУЧАРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Қўшиқчилик кафедраси созандаси Акмал Ражабовга волидаи муҳтарамаси
**МУҚАДДАМ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзқурилишматериалсавдо» МЧЖ жамоаси, «Хоразмқурилишматериалсавдо» шўъба корхонаси директори Муҳаммад Умаровга отаси
**Умид УМАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти жамоаси табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатининг фахрийси, «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг Сурхондарё вилояти филиали собиқ директори
**Убайдулла ХЎЖАБЕКОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6